

**Франция тараққиёти агентлиги иштирокидаги “Навоий вилояти
Кармана туманида оқова сув тизимларини қуриш”
лойиҳаси бўйича
МАЪЛУМОТ**

Асос: 2022 йил 18 марта ПҚ-171-сон қарори.

Карз битими: 2022 йил 25 марта имзоланган.

Кредит қиймати: 25,2 млн долл. (24,7 млневро)

Амалга ошириш муддати: 2022 - 2027 йй.

Амалга ошириладиган ишлар:

- 117,2 км оқова сув тизимини қуриш;
- 21,3 км босимли коллекторлар қуриш;
- 12 та насос станцияси қуриш;
- 9 800 м³/сутка қувватли 1 та оқова сув тозалаш иншооти қуриш.

Эришиладиган натижа:

Жами 14 та МФЙда 54,9 минг аҳоли оқова сув хизмати билан таъминланади. Таъминланганлик даражаси 90,0 фоизга етказилади.

Консультант: “Ислоҳотконсалтсервис” МЧЖ (Ўзбекистон).

Бажарилган ишлар:

- 2022 йилнинг 20 июнда “Ўзсувтаъминот” АЖнинг Франция тараққиёт банки (ФТА) лойиҳаларини бошқариш гурӯҳи филиали ташкил этилди.
- ЛАОГни техник қўллаб-қувватлаш бўйича консультантни аниқлаш мақсадида Харид комиссиясининг 2023 йил 9 январдаги йиғилишида 10 та компаниядан иборат “узун рўйхат”, 23 мартағи йиғилишида 5 та компаниядан иборат “қисқа рўйхат” шакллантирилди.
- Сўнг, “Таклиф сўровномаси” (RfP) ишлаб чиқилиб, ФТАга юборилди ҳамда 13 июнда “розилик” олинди. 22 июнда Харид комиссияси томонидан “Таклиф сўровномаси” тасдиқланиб, 23 июнда қисқа рўйхатга кирган 5 та компанияга 45 кун муддатда таклифларни бериш учун юборилди. 30 августда Қисқа рўйхатга кирган 3 та компаниялардан таклифлар қабул қилинди. Таклифларнинг техник қисми баҳоланиб, 18 сентябрь куни ФТАга юборилди ҳамда 9 октябрь куни ФТА томонидан “розилик” берилди. 27 октябрь куни техник баҳолаш ҳисботи Харид комиссияси томонидан тасдиқланди. 30 октябрь куни молиявий таклифлар очилди. Молиявий таклифлар баҳоланиб, 1 ноябрда ФТАга юборилди ҳамда 2 ноябряда розилик олинди. Харид комиссиясининг 10 ноябрядаги йиғилишида баҳолаш

ҳисоботи тасдиқланди. **30** ноябрда **ЛАОГни техник қўллаб-қувватлаш** бўйича Consortium SEURECA (France), Global business service (Uzbekistan), SMEC International PTY (Australia) билан илк бор шартнома олди музокаралари ўтказилди. **4-5** декабр кунлари шартнома олди музокараларни давоми ўтказилди.

- Батафсил лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш** бўйича консультантни аниқлаш мақсадида Харид комиссиясининг **2023** йил **17** мартағи йиғилишида **12** та компаниядан иборат “узун рўйхат”, **8** майдаги йиғилишида **5** та компаниядан иборат “қисқа рўйхат” шакллантирилди.

Сўнг, “**Таклиф сўровномаси**” (RfP) ишлаб чиқилиб, ФТАга юборилди ҳамда **7 июлда** “розилик” олинди. **17 июлда** Харид комиссияси томонидан “Таклиф сўровномаси” тасдиқланиб, шу куни қисқа рўйхатга кирган **5** та компанияга 45 кун муддатда таклифларни бериш учун юборилди. **15 сентябрь** куни Қисқа рўйхатга кирган **2** та компаниядан таклифлар қабул қилинди. Таклифларнинг техник қисми баҳоланиб, **23 октябрь** куни ФТА томонидан тасдиқланди. **27 октябрь** куни техник баҳолаш ҳисботи Харид комиссияси томонидан тасдиқланди. **30 октябрь** куни молиявий таклифлар очилди. Молиявий таклифлар баҳоланиб, **2 ноябрда** ФТАга юборилди ҳамда **2 ноября** розилик олинди. **22 ноября** якуний баҳолаш ҳисботи Харид комиссияси томонидан маъқулланди. **6-7** декабря **Батафсил лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш** бўйича Consortium SAFEGER Ankara (Turkey), TUMAS (Turkey) билан шартнома олди музокаралари ўтказилди. **13 декабря** шартнома лойиҳасига ФТА томонидан билдирилган таклифларни киритиб, келишиш учун Консультант компаниясига юборилди.

Жорий ҳолати:

- Айни пайтда **ЛАОГни техник қўллаб-қувватлаш** бўйича консультант Consortium SEURECA (France), Global business service (Uzbekistan), SMEC International PTY (Australia) компанияси билан шартнома олди келишувлари олиб бориш жараёни кетмоқда.
- Батафсил лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш** бўйича консультант Consortium SAFEGER Ankara (Turkey), TUMAS (Turkey) билан шартнома лойиҳасига ФТАнинг қўрсатиб ўтган қўшимчалари киритиб, Консультант билан келишиш жараёни кетмоқда.
- Махсус техника сотиб олиш** (**2 та АВР машинаси, 2 та экскаватор**) бўйича **техник топширик** ишлаб чиқилиб, бугунги кунда ФТА билан келишиш ишлари олиб борилмоқда.